САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ФАРҲОД РУЗИКУЛОВИЧ

БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ЭЛЛИПТИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН КОШИ МАСАЛАСИ ЕЧИМИНИНГ РЕГУЛЯРИЗАЦИЯСИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

УДК: 517.946

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ФАРҲОД РУЗИКУЛОВИЧ

БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ЭЛЛИПТИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН КОШИ МАСАЛАСИ ЕЧИМИНИНГ РЕГУЛЯРИЗАЦИЯСИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4. PhD/FM289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Хасанов Ақназар Бекдурдиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тахиров Жозил Остонович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Дурдиев Дурдимурод Қаландарович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _______ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони,15- уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (99866)235-19-38, e-mail:patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарканд ш., Университет хиёбони, 15- уй. Тел.:(+99866) 231-06-32, факс: (99866)235-19-38.

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

А.Х. Бегматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар натижаларининг статистик таҳлили нокоррет масалаларнинг ўрганиш долзарб эканлигини кўрсатади. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалар, физик маънога эга эканлиги учун актуал ҳисобланади. Эллиптик типдаги тенгламаларни шартли корректликка текшириш ва соҳа чегарасининг бир қисмидаги қийматига кўра тақрибий ечимини топиш гидродинамика, геофизика, электродинамика, механика каби соҳалардаги амалий тадқиқотлар масаласидир. Амалий масалаларни ечишда нафақат гармоник функцияни тиклаш, балки унинг ҳосилаларини тиклаш масаласи муҳим ҳисобланади. Соҳа чегарасининг бир қисмидаги қийматига кўра, гармоник функция ва унинг ҳосиласини тиклаш масаласига оид тадқиқотларни ривожлантириш замонавий математик физиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда эллиптик типли тенгламалар ва биринчи тартибли чизиқли ўзгармас коэффициентли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласини ечишда, соҳа чегарасининг Коши шартлари берилмаган қисмида Карлеман функциясини қуриш, қўйилган нокоррект чегаравий масалаларнинг ечими ва ечим ҳосиласининг регуряризацияси ҳамда шартли турғунлик баҳоларини олишга боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Нокоррект чегаравий масалалар ечими ва тақрибий ечим ҳамда уларнинг ҳосиласининг регуляризациси ва шартли турғунлик баҳоларини тадқиқи гидродинамика, геофизика, электродинамика соҳалари билан биргаликда механика масалаларида кўчиш, деформация, кучланишнинг аниқлашда мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалий татбиққа эга бўлган фундаментал фанларга, хусусан математик физиканинг нокоррект масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Бу борада амалий татбиқига эга бўлган дифференциал тенглама ва математик физиканинг долзарб йўналишларига, жумладан, эллиптик типдаги дифференциал тенгламалар учун турли чегаравий масалаларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг тақрибий ечимларини Карлеман функцияси асосида махсус кўринишдаги соҳаларда қуриш, шартли турғунлик баҳоларини олиш ва ечимнинг мавжудлик критериясини топишга доир салмоқли натижаларга эришилди. Математик физика ва математик физиканинг замонавий усуллари соҳасида ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифа ва йўналиш этиб белгиланди[1]. Ушбу қарор ижросини таъминлашда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси,

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

шартли турғун коррект масалалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 29 октябрдаги № ЎРҚ-576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нокоррект масалаларни амалий жиҳатдан муҳим эканлиги кўрсатилиб, мумкин бўлган ечимлар синфи компактга қадар торайтирилса, бу масала турғун бўлишига доир биринчи натижалар А.Н.Тихонов ишларида келтирилган. Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ва математик физиканинг шу қатори бошқа нокоррект масалаларида тўғри цилиндр ҳамда чегараси силлиқ бўлган ихтиёрий фазовий соҳада М.М.Лаврентьев ва сфера ичида С.Н.Мергеляннинг ишларида ёритилган. Ихтиёрий ўзгарувчи коэффициентли эллиптик тенгламалар учун Коши масаласи Е.М.Ландис, ёпиқ йўлак кўринишидаги чексиз соҳада В.К.Ивановлар томонидан ўрганилган.

Ш. Ярмухамедов Лаплас ва Гельмгольц тенгламалари учун Коши масаласи соҳа чегарасининг қисми конусни сирти бўлганда, фундаментал ечимни соҳа чегарасининг коник қисмида аппроксимация қилиш, А.А.Шлапунов томонидан Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи соҳа чегарасининг қисми сфера сирти бўлганда, Карлеман функциясини қуриш асосида фундаментал ечимни соҳа чегарасининг сферик қисмида бир жинсли гармоник кўпҳад билан аппроксимация қилиш орқали ечилган. Иккиланган ортогоналлик базис терминида умумий эллиптик системалар учун Коши масаласи Н.Н.Тарханов, А.А.Шлапунов, ишларида ёритилган. Текисликда Гельмгольц тенгламаси ва электродинамика тенгламалари системаси учун Коши масаласини ечишда Карлеман функцияси А.Л.Бухгейм ва Э.В.Арбузовлар томонидан қурилган.

Кўп ўлчовли фазода эластиклик назарияси тенгламалари системаси учун Коши масаласи Т.Ишанкулов, О.Махмудов ва И.Ниёзов, умумлашган Коши Риман системаси учун З. Маликов, умумлашган Моисил –Теодореско системаси учун Э. Сатторов, Навье-Стокс тенгламалари системаси учун Э.Жабборов томонидан ўрганилган. Н.Н.Тарханов ишларида эса биринчи тартибли эллиптик типли тенгламалар системаси учун Карлеман формуласи ўрганилган. Биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласига А.В.Бицадзе, А.А.Дезин, И.Н.Векуа, А.Д.Джураев, А.П.Солдатов, В.С.Виноградов, В.А.Полунин ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий – тадқиқот режасидаги ОТ-Ф1-044 «Биринчи ва иккинчи тартибли чизиқли ўзгармас коэффициентли эллиптик системалар учун Коши масаласи» (2007-2011й.) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Лаплас тенгламаси ва биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечими ва ечим ҳосиласининг чекли соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризациясини қуриш ва шартли турғунлик баҳосини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ечимининг ва ечим ҳосиласининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризациясини қуриш ва шартли турғунлик баҳосини олиш;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда Карлеман функциясини тузиш;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризациясини қуриш;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда шартли турғунлик баҳосини олиш;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг ҳосиласини икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризациясини қуриш ҳамда шартли турғунлик баҳосини олиш.

Тадқиқот объекти Лаплас тенгламаси ва Лаплас оператори билан факторизацияланувчи биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системасидан иборат.

Тадқиқот предмети Карлеман функцияси ёрдамида Лаплас тенгламаси ва Лаплас оператори билан факторизацияланувчи биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун нокоррект масала ечимини топишдан иборат**.**

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда ҳақиқий ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси, функционал анализ ва дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари, ҳамда математик физика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ечимининг ва ечим ҳосиласининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризацияси қурилган ва шартли турғунлик баҳоси олинган;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда Карлеман функцияси тузилган;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризацияси қурилган;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда шартли турғунлик баҳоси олинган;

биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечими ҳосиласининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризацияси қурилган ҳамда шартли турғунлик баҳоси олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйилган нокоррект масала учун корректлик синфини аниқлаб, нокоррект масалаларнинг аниқ ва тақрибий ечимлари геофизика ва геологоразведкага тадбиқ этилган;

ечим ҳосиласининг регуляризацияси ва турғунлик баҳосиниг эластиклик назариясида кўчиш, деформация ва кучланишни аниқлашда қўлланилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси, нокоррект масалалар назарияси, ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Лаплас тенгламаси ва биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласининг регуляризациялашган ечими ва ечим ҳосиласининг шартли турғунлик баҳоларини олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, яъни Лаплас тенгламаси ва биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун қўйилган нокоррект Коши масаласи билан ифодаланадиган геофизик моделларни кузатишда, электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши каби физик жараёнларни, механика масалаларини тадқиқ қилишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биринчи тартибли эллиптик типли тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг регуляризациясига оид илмий натижалар асосида:

қўйилган нокоррект масала учун корректлик синфини аниқлаш усули, ҳамда биринчи тартибли эллиптик типдаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг икки ва уч ўлчовли чегараланган соҳаларда ошкор кўринишдаги регуляризациясидан Самарқанд давлат университети дастури доирасида (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 декабрь 89-03-5067-сон маълумотномаси) 2012-

2016 йиллар давомида олиб борилган ФА–Ф078 «Гидродинамические задачи фильтрования и фильтрации неоднородных жидкостей в пористых средах» мавзусидаги фундаментал лойиҳада ғовак муҳитларда чўкма ҳосил қилиб суспензиялар сизишининг коэффициентли тескари нокоррект масалаларини ечишда фойдаланилган.

Илмий натижаларнинг қўлланилиши ер ости қатламларида суспензиялар сизиши жараёнида кольматация ва суффозия ҳодисаларини характерловчи параметрларнинг қийматини тескари нокоррект масалани ечиш орқали аниқлаш имконини берган;

биринчи тартибли эллиптик типли тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечимининг регуляризациясига оид илмий натижалар «The stress state of the layered medium with the interface cracks» номли хорижий лойиҳада (И.И. Мечников номидаги Одесса Миллий университети, 2019 йил 2 ноябрдаги маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши эллиптик типли тенгламалар билан боғлиқ нокоррект масалаларни ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 10 та халқаро ва 6 та республика, жами 16 та илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилишда тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи**» деб номланувчи биринчи бобида Ш. Ярмухамедов усули орқали Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ечими ва ечим ҳосиласининг регуляризацияси ва шартли турғунлик баҳолари келтирилган. Бу бобда Ш. Ярмухамедов ишини такомиллаштириб, соҳа чегарасининг қийматига кўра на фақат гармоник функциянинг ўзи, балки унинг ҳосилалари ҳам тикланилган. Биринчи бобнинг биринчи параграфида дастлабки тушунчалар ва баён этиладиган натижаларни тўлдириш мақсадида Ж. Адамар, Т. Карлеман, Г.М. Голузин ва В.И. Крылов, А.Н. Тихонов, М.М. Лаврентьев, Ш. Ярмухамедов ишларидан, ҳамда эллиптик типдаги тенгламалар ва системалар учун Коши масаласининг регуляризациялашган ечимини топишга бағишланган ишларидан фойдаланилган. Бу параграфда коррект ва нокоррект масалалар тарихи, шартли коррект масалалар, Адамар мисоли, Карлеман функциясининг таърифи ва текисликда Карлеман функциясини тузиш конструкцияси, ҳамда Лаплас тенгламаси учун Коши масаласининг қўйилиши келтирилган.

Фараз қиламиз $x=(x_1,x_2)$ ва $y=(y_1,y_2)$ нуқталар R^2 фазога тегишли икки ўлчовли Евклид фазосидан олинган бўлсин.

G - соҳа R^2 - га тегишли бир боғломли чегараланган соҳа бўлиб, унинг чегараси $T=\{y_1\in R: a_1\le y_1\le b_1\}$ компакт қисмдан ва $y_2>0$ ярим текисликда жойлашган $S: y_2=h(y_1)$ силлиқ эгри чизиқдан иборат бўлсин. $\overline{G}=G\cup\partial G,\ \partial G=S\cup T$, $\partial/\partial n$ - ∂G га ўтказилган ташқи нормал бўйича дифференциал оператор.

G соҳада қуйидаги Лаплас тенгламасини қараймиз.

$$\frac{\partial^2 U}{\partial y_1^2}+\frac{\partial^2 U}{\partial y_2^2}=0\,. \qquad (1)$$

1-масала. Қаралаётган соҳа чегараси ∂G-нинг S қисмида берилган қийматларига кўра гармоник бўлган $U(y)=U(y_1,y_2)\in C^2(G)\cap C^1(\overline{G})$ функцияни топиш талаб қилинади, яъни

$$U(y)\big|_S=f(y),\quad \left.\frac{\partial U(y)}{\partial n}\right|_S=g(y), \qquad (2)$$

бу ерда $f(y)$ ва $g(y)$ - берилган $C^1(S)$ ва $C(S)$ синфларга тегишли функциялар.

Айтайлик $\sigma>0$ бўлсин. $\Phi_\sigma(x,y)$ функцияни[1] $\alpha>0$ бўлганда икки ва уч ўлчовли фазоларда қуйидаги тенгликлар орқали аниқлаймиз.

$$-2\pi e^{\sigma x_2^2}\Phi_\sigma(x,y)=\int_0^{+\infty}\mathrm{Im}\left[\frac{e^{\sigma w^2}}{w-x_2}\right]\frac{udu}{\sqrt{u^2+\alpha^2}},\quad w=i\sqrt{u^2+\alpha^2}+y_2\ , \qquad (3)$$

бу ерда $\alpha=|y'-x'|,\quad y'=(y_1,0),\quad x'=(x_1,0),\quad u\ge 0.$

$$-2\pi^2 e^{\sigma x_3^2}\Phi_\sigma(x,y)=\int_0^{+\infty}\mathrm{Im}\left[\frac{e^{\sigma w^2}}{w-x_3}\right]\frac{du}{\sqrt{u^2+\alpha^2}},\ w=i\sqrt{u^2+\alpha^2}+y_3, \qquad (4)$$

бу ерда $y=(y_1,y_2,y_3),\quad x=(x_1,x_2,x_3),\quad y'=(y_1,y_2),\quad x'=(x_1,x_2),\quad \alpha=|y'-x'|.$

Ш. Ярмухамедов томонидан (3) ва (4) тенгликлар орқали аниқланган $\Phi_\sigma(x,y)$ функция $\sigma>0$ бўлганда қуйидаги

$$\Phi_\sigma(x,y)=F_m(r)+g_\sigma(x,y) \qquad (5)$$

[1] (3) ва (4) тенгликлар орқали аниқланган $\Phi_\sigma(x,y)$ функцияни биринчи бўлиб Ш. Ярмухамедов қурган.

кўринишда тасвирланган, бу ерда $m=2$ да $F_2(r)=\frac{1}{2\pi}\ln\frac{1}{r}$ ва $m=3$ да $F_3(r)=\frac{1}{4\pi r}$, $g_\sigma(x,y)$-функция y бўйича $R^m\left(m=2,3\right)$ да гармоник функция.

Шунинг учун $U(y)=U(y_1,y_2)\in C^2(G)\cap C^1(\overline{G})$ функция ва ихтиёрий $x\in G$ учун қуйидаги Грин интеграл формуласи ўринли бўлади:

$$U(x)=\int_{\partial G}\left[\frac{\partial U}{\partial n}\Phi_\sigma(x,y)-U(y)\frac{\partial\Phi_\sigma(x,y)}{\partial n}\right]dS_y\,. \tag{6}$$

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ечимини давом эттириш ва М.М. Лаврентьев бўйича регуляризация қуриш масаласи ечилган. Қуйидагича белгилаш киритамиз:

$$U_\sigma(x)=\int_S\left[g(y)\Phi_\sigma(x,y)-f(y)\frac{\partial\Phi_\sigma(x,y)}{\partial n}\right]dS_y\ . \tag{7}$$

1-теорема. Айтайлик $U(y)=U(y_1,y_2)\in C^2(G)\cap C^1(\overline{G})$ функция соҳа чегараси ∂G-нинг S қисмида (2) шартни қаноатлантириб, соҳа чегараси ∂G-нинг T қисмида

$$\left|U(y)\right|+\left|\frac{\partial U(y)}{\partial n}\right|\le M,\quad y\in T \tag{8}$$

тенгсизлик ўринли бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $x\in G$ ва $\sigma>0$ учун

$$\left|U(x)-U_\sigma(x)\right|\le\psi_2(\sigma)Me^{-\sigma x_2^2},\quad \left|\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}-\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\right|\le\varphi_i(\sigma,x_2)Me^{-\sigma x_2^2},\quad i=1,2 \tag{9}$$

баҳолар ўринли бўлади.

Бу ерда M - мусбат сон ва

$$\begin{gathered}\psi_2(\sigma)=\left(\frac{1}{2}+\frac{\sqrt{\pi}}{4\sqrt{\sigma}}\right),\ \varphi_1(\sigma,x_2)=\left(\frac{1}{2}+\frac{\sqrt{\pi}}{4\sqrt{\sigma}x_2}+\frac{\sqrt{\sigma}}{2\sqrt{\pi}}+\frac{1}{2\sqrt{\pi\sigma}x_2^2}\right),\\ \varphi_2(\sigma,x_2)=\left(\frac{\sqrt{\pi\sigma}x_2}{2}+\frac{\sqrt{\pi}}{2\sqrt{\sigma}x_2}+\frac{\sqrt{\sigma}}{\sqrt{\pi}}+\frac{3}{2\sqrt{\pi\sigma}x_2^2}\right).\end{gathered} \tag{10}$$

1-натижа. Ҳар бир $x\in G$ учун

$$\lim_{\sigma\to\infty}U_\sigma(x)=U(x),\quad \lim_{\sigma\to\infty}\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}=\frac{\partial U(x)}{\partial x_i},\quad i=1,2$$

тенгликлар ўринли бўлади.

$\overline{G}_\varepsilon$ орқали

$$\overline{G}_\varepsilon=\left\{(x_1,x_2)\in G,\quad a>x_2\ge\varepsilon,\quad a=\max_T h(x_1),0<\varepsilon<a,\ \right\}$$

тўпламни белгилаймиз. Кўриш мумкинки, $\overline{G}_\varepsilon\subset G$ тўплам компакт тўпламдир.

2-натижа. Агар $x\in\overline{G}_\varepsilon$ бўлса, у ҳолда $\{U_\sigma(x)\}$ ва $\left\{\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\right\}$ функциялар оиласи $\sigma\to\infty$ да текис яқинлашади, яъни

$$U_\sigma(x)\ \rightrightarrows\ U(x),\quad \frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\ \rightrightarrows\ \frac{\partial U(x)}{\partial x_i},\quad i=1,2\,.$$

Шуни таъкидлаб ўтамизки, $\Pi_\varepsilon = G \setminus \overline{G}_\varepsilon$ тўплам берилган масала учун чегаравий қатлам вазифасини бажаради, бу ерда сингуляр қўзғалишлар назарияси каби текис яқинлашиш бўлмайди.

1-изоҳ. (9) баҳоларнинг биринчиси, яъни ечим ва тақрибий ечим орасидаги фарқ Ш. Ярмухамедов томонидан исботланган.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида икки ўлчовли фазонинг чегараланган соҳасида Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ечимининг ҳамда бу ечим ҳосиласининг шартли турғунлик баҳоси келтирилган.

Фараз қиламиз, S эгри чизиқ $y_2 = h(y_1),\ \ y_1 \in [a_1, b_1]$ тенглама орқали берилган бўлиб, h бир қийматли, Ляпунов шартини қаноатлантирадиган функция бўлсин. Шу ўринда

$$\max_T h(y_1) = a, \qquad b = \max_T \sqrt{1 + h'^2(y_1)}$$

деб оламиз.

E орқали қуйидаги тўпламни белгилаймиз:
$E = \left\{ U(y) \in C^2(G) \cap C^1(\overline{G}) : |U(y)| + |gradU(y)| \le M, M > 0, y \in T \right\}$.

2-теорема. Айтайлик $U(y) \in E$ функция (1) Лаплас тенгламасини қаноатлантириб, G соҳа чегарасининг S қисмида

$$|U(y)| + \left| \frac{\partial U(y)}{\partial n} \right| < \delta, \quad y \in S \tag{11}$$

тенгсизликни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $x \in G$ ва $\sigma > 0$ учун

$$|U(x)| \le 2\psi(\sigma, x_2) M^{1 - x_2^2/a^2} \delta^{x_2^2/a^2}, \quad \left| \frac{\partial U(x)}{\partial x_i} \right| \le 2\mu_i(\sigma, x_2) M^{1 - x_2^2/a^2} \delta^{x_2^2/a^2}, \ i = 1, 2 \tag{12}$$

баҳолар ўринли бўлади. Бу ерда $0 < \delta \le Me^{-\sigma a^2}$,

$$\psi(\sigma, x_2) = \max_S (\psi^2(\sigma, x_2), \psi_2(\sigma)), \psi^2(\sigma, x_2) = \left(\frac{b\sqrt{\pi}}{4\sqrt{\sigma}} + ab + \frac{b}{2\sqrt{\pi\sigma}(a - x_2)} + \frac{2\sqrt{\sigma}ab}{\sqrt{\pi}} \right), \tag{13}$$

$$\begin{aligned} \nu_1(\sigma, x_2) = \Bigg(& \frac{b + 3ab\sqrt{\pi\sigma}}{4} + \frac{2\sigma ab + 4b\sqrt{\sigma} + \sigma a^2 b\sqrt{\pi}}{\sqrt{\pi}} + \frac{b\sqrt{\pi}}{4\sqrt{\sigma}(a - x_2)} + \\ & + \frac{ab\sqrt{\pi\sigma}}{(a - x_2)^2} + \frac{2ab\sqrt{\sigma}}{\sqrt{\pi}(a - x_2)} + \frac{5b}{\sqrt{\pi\sigma}(a - x_2)^2} \Bigg), \ \mu_1(\sigma, x_2) = \max_S (\nu_1(\sigma, x_2), \varphi_1(\sigma, x_2)), \end{aligned} \tag{14}$$

$$\begin{aligned} & \nu_2(\sigma, x_2) = \left(\frac{bx_2\sqrt{\pi\sigma} + 2\sigma abx_2}{2} + \frac{b\sqrt{\pi}}{4\sqrt{\sigma}(a - x_2)} + 3ab\sqrt{\pi\sigma} + \frac{2b\sqrt{\sigma}x_2}{\sqrt{\pi}(a - x_2)} + \frac{4b}{\sqrt{\pi\sigma}(a - x_2)^2} \right), \\ & \mu_2(\sigma, x_2) = \max_S (\nu_2(\sigma, x_2), \varphi_2(\sigma, x_2)). \end{aligned} \tag{15}$$

Қуйидаги белгилашни киритамиз:

$$U_{\sigma\delta}(x) = \int_S \left[g_\delta(y)\Phi_\sigma(x, y) - f_\delta(y) \frac{\partial \Phi_\sigma(x, y)}{\partial n} \right] dS_y. \tag{16}$$

3-теорема. Айтайлик $U(y) \in E$ функция соҳа чегарасининг S қисмида (2) шартни қаноатлантириб, $f(y)$ ва $g(y)$ функциялар ўрнига уларнинг тақрибий қийматлари $f_\delta(y)$ ва $g_\delta(y)$, $\delta > 0$ хатоликка берилган бўлсин:

$$\max_S |f(y) - f_\delta(y)| < \delta, \quad \max_S |g(y) - g_\delta(y)| < \delta. \tag{17}$$

У ҳолда, ихтиёрий $x \in G$ ва $\sigma > 0$ учун

$$|U(x) - U_{\sigma\delta}(x)| \le 2\psi(\sigma, x_2) M^{1 - x_2^2/a^2} \delta^{x_2^2/a^2}, \quad \left| \frac{\partial U(x)}{\partial x_i} - \frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i} \right| \le 2\mu_i(\sigma, x_2) M^{1 - x_2^2/a^2} \delta^{x_2^2/a^2} \tag{18}$$

баҳолар ўринли бўлади.

3-натижа. Ҳар бир $x \in G$ учун

$$\lim_{\delta \to 0} U_{\sigma\delta}(x) = U(x), \quad \lim_{\delta \to 0} \frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i} = \frac{\partial U(x)}{\partial x_i}, \quad i = 1, 2$$

тенгликлар ўринли бўлади.

4-натижа . Агар $x \in \overline{G}_\varepsilon$ бўлса, у ҳолда $\{U_{\sigma\delta}(x)\}$ и $\left\{ \frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i} \right\}$ функциялар оиласи $\delta \to 0$да текис яқинлашади, яъни:

$$U_{\sigma\delta}(x) \rightrightarrows U(x), \ \frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i} \rightrightarrows \frac{\partial U(x)}{\partial x_i}, \quad i = 1, 2 .$$

2-изоҳ. (18) баҳоларнинг биринчиси Ш. Ярмухамедов томонидан исботланган.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида Ш. Ярмухамедов усули орқали уч ўлчовли фазонинг чегараланган соҳасида Лаплас тенгламаси учун Коши масаласининг ечими қаралган бўлиб, Карлеман функциясини тузиш конструкцияси ҳамда Коши масаласининг ечими ва бу ечим ҳосиласининг регуляризацияси ва шартли турғунлик баҳолари олинган.

Айтайлик R^3 ҳақиқий евклид фазоси, $x = (x_1, x_2, x_3) \in R^3$, $y = (y_1, y_2, y_3) \in R^3$ нуқталар берилган бўлиб, $r = |y - x|$ бўлсин.

G - соҳа R^3 га тегишли, унинг чеграси ∂G, $y_3 = 0$ текисликдан иборат T компакт қисмдан ва $y_3 > 0$ ярим фазода жойлашган S силлиқ Ляпунов сиртидан иборат бирбоғломли чегараланган соҳа бўлсин. $\overline{G} = G \cup \partial G,\ \partial G = S \cup T$, $\partial / \partial n$- ∂G га ўтказилган ташқи нормал бўйича дифференциал оператор.

G соҳада қуйидаги Лаплас тенгламасини қараймиз.

$$\frac{\partial^2 U}{\partial y_1^2} + \frac{\partial^2 U}{\partial y_2^2} + \frac{\partial^2 U}{\partial y_3^2} = 0 . \tag{19}$$

2-масала. Қаралаётган соҳа чегараси ∂G- нинг S қисмида берилган қийматларига кўра гармоник бўлган $U(y) = U(y_1, y_2, y_3) \in C^2(G) \cap C^1(\overline{G})$ функцияни топиш талаб қилинади, яъни

$$U(y)\big|_S = f(y), \quad \left. \frac{\partial U(y)}{\partial n} \right|_S = g(y), \tag{20}$$

бу ерда $f(y)$ ва $g(y)$ -берилган $C^1(S)$ ва $C(S)$ синфларга тегишли функциялар.

Айтайлик $\sigma > 0$ бўлсин. $\Phi_\sigma(x, y)$ функцияни $\alpha > 0$ бўлганда (4) тенглик орқали аниқлаймиз. (5) тенгликдан $U(y) = U(y_1, y_2, y_3) \in C^2(G) \cap C^1(\overline{G})$ функция ва ихтиёрий $x \in G$ учун қуйидаги Грин интеграл формуласи ўринли бўлади:

$$U(x)=\int_{\partial G}\left[\frac{\partial U}{\partial n}\Phi_\sigma(x,y)-U(y)\frac{\partial \Phi_\sigma(x,y)}{\partial n}\right]dS_y. \qquad (21)$$

Қуйидагича белгилаш киритамиз.

$$U_\sigma(x)=\int_S\left[g(y)\Phi_\sigma(x,y)-f(y)\frac{\partial \Phi_\sigma(x,y)}{\partial n}\right]dS_y\ . \qquad (22)$$

4-теорема. Айтайлик $U(y)=U(y_1,y_2,y_3)\in C^2(G)\cap C^1(\overline{G})$ функция соҳа чегараси ∂G- нинг S қисмида (20) шартни қаноатлантириб, соҳа чегараси ∂G -нинг T қисмида

$$|U(y)|+\left|\frac{\partial U(y)}{\partial n}\right|\le M, \quad y\in T \qquad (23)$$

тенгсизликни қаноатлантирсин. У ҳолда, ихтиёрий $x\in G$ ва $\sigma>0$ учун

$$|U(x)-U_\sigma(x)|\le \psi_3(\sigma)Me^{-\sigma x_3^2} \qquad (24)$$

$$\left|\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}-\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\right|\le \theta_i(\sigma,x_3)Me^{-\sigma x_3^2}, \quad i=1,2,3 \qquad (25)$$

баҳолар ўринли бўлади. Бу ерда M мусбат сон,

$$\psi_3(\sigma)=\left(\frac{\sqrt{\pi}}{4\sqrt{\sigma}}+\frac{1}{2\sqrt{\pi}\sqrt{\sigma}}+\frac{1}{2\pi}\right), \qquad (26)$$

$$\begin{aligned}\theta_1(\sigma,x_3)&=\left(\frac{1}{\pi}+\frac{1}{16\sigma x_3^2}+\frac{5\sqrt{\sigma}}{\sqrt{\pi}}+\frac{\sqrt{\sigma}}{\sqrt{\pi}x_3^2}\right), \quad \theta_2(\sigma,x_3)\equiv\theta_1(\sigma,x_3),\\ \theta_3(\sigma,x_3)&=\left(\frac{1+2\sqrt{\sigma}}{2\pi}+\frac{1}{4\sqrt{\sigma\pi}x_3}+\frac{3\sqrt{\sigma}+4\sigma\sqrt{\sigma}x_3^2}{\sqrt{\pi}}+\frac{27x_3+16}{27\sqrt{\sigma\pi}x_3^3}\right).\end{aligned} \qquad (27)$$

5-**натижа .** Ҳар бир $x\in G$ учун

$$\lim_{\sigma\to\infty}U_\sigma(x)=U(x), \quad \lim_{\sigma\to\infty}\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}=\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}, \quad i=1,2,3$$

тенгликлар ўринли бўлади.

$\overline{G}^1_\varepsilon$ орқали қуйдаги тўпламни белгилаймиз

$$\overline{G}^1_\varepsilon=\left\{(x_1,x_2,x_3)\in G,\quad a>x_3\ge\varepsilon,\quad a=\max_T h(x_1,x_2), 0<\varepsilon<a,\right\}.$$

$\overline{G}^1_\varepsilon\subset G$ тўплам компакт тўпламдир.

6-натижа . Агар $x\in\overline{G}_\varepsilon$ бўлса, у ҳолда $\{U_\sigma(x)\}$ ва $\left\{\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\right\}$ функциялар оиласи $\sigma\to\infty$да текис яқинлашади, яъни

$$U_\sigma(x)\ \rightrightarrows\ U(x), \quad \frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\ \rightrightarrows\ \frac{\partial U(x)}{\partial x_i}, \quad i=1,2,3\,.$$

3-изоҳ. (24) баҳо Ш. Ярмухамедов томонидан исботланган.

Фараз қиламиз, S сирт $y_3=h(y_1,y_2),\ (y_1,y_2)\in T$ тенглама орқали берилган бўлиб, h шундай бир қийматли функция бўлсинки, S сирт Ляпунов сирти бўлсин. Шу ўринда

$$a=\max_T h(y_1,y_2) \text{ ва } b=\max_T\sqrt{1+h'^2_{y_1}(y_1,y_2)+h'^2_{y_2}(y_1,y_2)} \qquad (28)$$

деб белгилаймиз. E_1 орқали қуйидаги тўпламни белгилаймиз:

$$E_1=\left\{U(y)=U(y_1,y_2,y_3)\in C^2(G)\cap C^1(\overline{G}):\left|U(y)\right|+\left|gradU(y)\right|\le M, M>0, y\in T\right\}.$$

5-теорема. (Коши масаласи ечимининг шартли турғунлиги). Айтайлик $U(y)\in E_1$ функция (19) - Лаплас тенгламасини қаноатлантириб, G соҳа чегарасининг S қисмида

$$\left|U(y)\right|+\left|\frac{\partial U(y)}{\partial n}\right|<\delta,\quad y\in S \tag{29}$$

тенгсизликни қаноатлантирсин. У ҳолда, ихтиёрий $x\in G$ ва $\sigma>0$ учун

$$\left|U(x)\right|\le 2\Psi(\sigma,x_3)M^{1-x_3^2/a^2}\delta^{x_3^2/a^2},\quad \left|\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}\right|\le 2\phi_i(\sigma,x_3)M^{1-x_3^2/a^2}\delta^{x_3^2/a^2}, i=1,2,3 \tag{30}$$

баҳолар ўринли бўлади. Бу ерда: $0<\delta\le Me^{-\sigma a^2}$,

$$\Psi(\sigma,x_3)=\max_S(\psi^3(\sigma,x_3),\psi_3(\sigma)),\ \psi^3(\sigma,x_3)=\left(\frac{4ab\sqrt{\sigma}+4a^2b\sqrt{\pi}\sigma+b\sqrt{\pi}}{2\sqrt{\pi}}+\right.$$
$$\left.+\frac{b\pi+b}{4\sqrt{\pi\sigma}(a-x_3)}+\frac{13ab\pi\sigma+24ab\sigma+2b}{4\sqrt{\pi\sigma}}+\frac{4a^2b\sigma+b+2ab}{2\pi}\right), \tag{31}$$

$$\phi_1(\sigma,x_3)=\max_S(\theta_1(\sigma,x_3),v(\sigma,x_3)),\ \phi_2(\sigma,x_3)=\max_S(\theta_2(\sigma,x_3),v(\sigma,x_3)),$$

$$v(\sigma,x_3)=\left[\sqrt{\sigma}\left(\frac{24b+61ab+32a^2b}{2\sqrt{\pi}}+\frac{21ab(a+x_3)}{\sqrt{\pi}(a-x_3)^2}+\frac{ab}{\sqrt{\pi}}+\frac{13ab\sqrt{\pi}}{8}\right)+\right.$$
$$+\sigma\left(\frac{44ab+8\sigma a^3b+10a^2b+16a^3b}{\pi}+\frac{5ab\pi+36ab+16\sigma+8b}{8\sqrt{\pi\sigma}(a-x_3)}+\frac{12ab(a+x_3)}{\sqrt{\pi\sigma}}+a^2b\right)+ \tag{32}$$
$$\left.+\frac{\sigma\sqrt{\sigma}(24ab+62a^2b)}{\sqrt{\pi}}+\frac{b\pi+4\pi ab}{8\sqrt{\pi\sigma}(a-x_3)}+\frac{13b+55\sigma ab}{\sqrt{\pi\sigma}(a-x_3)^2}+\frac{4\sigma^3a^2b+b}{\sqrt{\pi\sigma}}+\frac{b\pi+64ab}{4\pi}\right],$$

$$\phi_3(\sigma,x_3)=\max_S(\theta_3(\sigma,x_3),\mu(\sigma,x_3)),$$

$$\mu(\sigma,x_3)=\left[\sqrt{\sigma}\left(\frac{32b+16ab+4abx_3}{2\sqrt{\pi}}+\frac{40ab+8\pi ab+2\pi\sqrt{\pi}ab(a+x_3)}{2\sqrt{\pi}(a-x_3)^2}+\frac{6ab+8b}{\sqrt{\pi}(a-x_3)}\right)+\right.$$
$$+\sigma\sqrt{\sigma}\left(\frac{16ab+12a^2b}{\sqrt{\pi}}+\frac{40abx_3}{2\sqrt{\pi}}+\frac{4abx_3}{\sqrt{\pi}(a-x_3)}\right)+\frac{\sigma(20ab+4a^2bx_3+2abx_3)}{\pi}+ \tag{33}$$
$$\left.+\frac{1}{\sqrt{\sigma}}\left(\frac{13b}{2\sqrt{\pi}(a-x_3)^2}+\frac{ab}{2\sqrt{\pi}(a-x_3)}\right)\right].$$

Бу ерда $\psi_3(\sigma)$ функция (26) тенгликдан, $\theta_1(\sigma,x_3)$, $\theta_2(\sigma,x_3)$ ва $\theta_3(\sigma,x_3)$ функциялар (27) тенгликлардан аниқланади.

Қуйидагича белгилаш киритамиз:

$$U_{\sigma\delta}(x)=\int_S\left[g_\delta(y)\Phi_\sigma(x,y)-f_\delta(y)\frac{\partial\Phi_\sigma(x,y)}{\partial n}\right]dS_y. \tag{34}$$

6-теорема. Айтайлик $U(y)\in E_1$ функция соҳа чегарасининг S қисмида (20) шартни қаноатлантириб, $f(y)$ ва $g(y)$ функцияларнинг ўрнида уларнинг тақрибий қийматлари $f_\delta(y)$ ва $g_\delta(y)$, $\delta>0$ хатолик билан берилган бўлсин, яъни $\max_S |f(y)-f_\delta(y)|<\delta, \quad \max_S |g(y)-g_\delta(y)|<\delta.$ У ҳолда ихтиёрий $x\in G$ ва $\sigma>0$ учун

$$|U(x)-U_{\sigma\delta}(x)|\le 2\Psi(\sigma,x_3)M^{1-x_3^2/a^2}\delta^{x_3^2/a^2}, \quad 0<\delta\le Me^{-\sigma a^2}, \tag{35}$$

$$\left|\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}-\frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i}\right|\le 2\phi_i(\sigma,x_3)M^{1-x_3^2/a^2}\delta^{x_3^2/a^2}, i=1,2,3 \tag{36}$$

баҳолар ўринли бўлади.

7-натижа. Ҳар бир $x\in G$ учун

$$\lim_{\delta\to 0}U_{\sigma\delta}(x)=U(x), \quad \lim_{\delta\to 0}\frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i}=\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}, \quad i=1,2,3$$

тенгликлар ўринли бўлади.

8-натижа. Агар $x\in\overline{G}_\varepsilon$ бўлса, у ҳолда $\{U_{\sigma\delta}(x)\}$ ва $\left\{\frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i}\right\}$ функциялар оиласи $\delta\to 0$ да текис яқинлашади, яъни

$$U_{\sigma\delta}(x) \rightrightarrows U(x), \quad \frac{\partial U_{\sigma\delta}(x)}{\partial x_i} \rightrightarrows \frac{\partial U(x)}{\partial x_i}, \quad i=1,2,3.$$

4-изоҳ. (35) баҳо Ш. Ярмухамедов томонидан исботланган.

Диссертациянинг «**Икки ўлчовли чегараланган соҳада биринчи тартибли чизиқли эллиптик тидаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи**» номланувчи иккинчи бобида, текисликнинг чегараланган соҳасида биринчи тартибли чизиқли эллиптик тидаги тенгламалар системаси учун Коши масаласи ечими ва бу ечим ҳосиласининг регуляризацияси ҳамда шартли турғунлик баҳоси олинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида ўзгармас коэффициентли биринчи тартибли чизиқли эллиптик типдаги тенгламалар системаси ҳақида тушунчалар келтирилган.

$x=(x_1,x_2)$ ва $y=(y_1,y_2)$ нуқталар R^2- икки ўлчовли Евклид фазосидан олинган бўлиб, $x^T=(x_1,x_2)^T$- x векторнинг транспонирлангани бўлсин.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз.

$$y'=(y_1,0), \quad x'=(x_1,0), r=|y-x|, \quad \alpha=|y'-x'|,$$

$$\frac{\partial}{\partial x}=\left(\frac{\partial}{\partial x_1},\frac{\partial}{\partial x_2}\right)^T, \quad U(x)=(U_1(x),U_2(x),...,U_n(x))^T, u^0=(1,1,...,1)\in R^n, n\ge 2,$$

$E(x)$ - $(n\times l)$ ўлчамли диагонал матрица, $n,l\ge 2$.

$A_{l\times n}(x)$- орқали шундай $D(x^T)$- матрицалар синфини белгилаймизки, унинг элементлари комплекс коэффициентли чизиқли формадан иборат бўлиб,

$$D^*(x^T)D(x^T)=E(|x|^2u^0) \tag{37}$$

шартни қаноатлантирсин. Бу ерда $D^*(x^T)$- матрица $D(x^T)$ - матрицага қўшма бўлган матрица.

Икки ўлчовли чегараланган G- соҳада ($\partial G=S\cup Q, Q=\{y_1\in R, a_1\le y_1\le b_1\}$) қуйидаги биринчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасини қараймиз:

$$D\left(\frac{\partial}{\partial x}\right)U(x)=0, \tag{38}$$

бунда $D(x^T)\in A_{l\times n}(x)$.

Агар $u(x)\in C^1(G)\cap C(\overline{G})$ синфга тегишли бўлиб, (38) системанинг ечимидан иборат бўлса, у ҳолда қуйидаги интеграл формула ўринли бўлади:

$$U(x)=\int_{\partial G} N_\sigma(x,y)U(y)dS_y,\quad x\in G \tag{39}$$

бу ерда

$$N_\sigma(x,y)=\left(E(\Phi_\sigma(x,y)u^0)D^*\left(\frac{\partial}{\partial x}\right)\right)D\left(t^T\right), \tag{40}$$

$\Phi_\sigma(x,y)$ функция эса (3) тенглик орқали аниқланади.

3-масала. (38) системани қаноатлантирувчи $U(x)\in C^1(G)\cap C(\overline{G})$ вектор функциянинг G соҳа чегарасининг S қисмида берилган қийматига кўра, яъни:

$$U(x)\big|_S = f(x), \tag{41}$$

бутун G соҳада тиклаш талаб этилади. Бу ерда $f(x)$-функция соҳа чегарасининг S қисмида берилган узлуксиз функция.

$$U_\sigma(x)=\int_S N_\sigma(x,y)U(y)dS_y,\quad x\in G \tag{42}$$

деб белгилаймиз.

7-теорема. Айтайлик $U(x)$ вектор-функция $C^1(G)\cap C(\overline{G})$ синфга тегишли бўлиб, соҳа чегарасининг S қисмида (41) шартни, соҳа чегараси ∂G-нинг Q қисмида эса

$$|U(y)|\le M,\quad y\in Q , \tag{43}$$

тенгсизликни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $x\in G$ ва $\sigma>0$ учун

